

**КАРМАНА ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**

Навоий шаҳри

2023 йил 11 май

Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси Б.А.Джумаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Жамиловнинг котиблигида, даъвогар “Х” акциядорлик жамиятининг жавобгар ХХХга нисбатан қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

“Х” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ХХХдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан етказиб берилган табиий газ учун юзага келган 48.176.077 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Ғазначилик бошқармаси ва вилоят молия бошқармаси жалб этилган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили, даъво талабини қўллаб-қувватлаб, қарздорлик тўлаб берилмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида ўзининг ишончли вакили иштирокини таъманламади. Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддасига асосан ишни жавобгар вакиллари иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб ҳал қилишни лозим топади.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахсларни тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида табиий газ етказиб бериш тўғрисида 07.01.2023 йилда 8-23/6-сонли шартнома тузилган.

Шартномага кўра, даъвогар газ тармоқлари орқали табиий газ етказиб бериш, жавобгар эса табиий газ ҳажмини қабул қилиш ва тўловларни муддатида белгиланган нарх бўйича амалга оширишни зиммасига олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 478-моддаси талабига кўра, туташтирилган тармоқ орқали иссиқлик энергияси билан таъминлаш муносабатларига, шунингдек



туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан энергия таъминоти шартномаси қоидалари қўлланилади.

Даъвогар томонидан жавобгарга шартномага мувофиқ табиий газ етказиб берилган.

Шартноманинг 4.6-бандига кўра, истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадilar.

Шунга кўра, даъво аризаси судга тақдим этилган кун ҳолатига жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи 48.176.077 сўмни ташкил этган. Жавобгар томонидан мавжуд қарздорлик тўлаб берилмаган.

Мазкур ҳолат ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва даъвогар вакилларининг суд мажлисида берган кўрсатмалари билан тасдиғини топади.

Шунга кўра, суд даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни жавобгардан даъвогар фойдасига 48.176.077 сўм асосий қарзни ундиришни лозим деб топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур ҳолатда суд, ишни кўриш билан боғлиқ 963.521 сўм давлат божини жавобгардан республика бюджетига ундиришни, шунингдек жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажатларини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар ХХХдан даъвогар "Х" акциядорлик жамияти фойдасига 48.176.077 сўм асосий қарз ва олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар ХХХдан республика бюджетига 963.521 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради. Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Б.А.Джумаев

